

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pogta.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

АСПИРАНТ СТАЖЁРГА АЙЛанаДИ

Президентнинг 2010 йил 2 ноябрдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1426-сон қарори билан 2010 йилнинг 10 ноябридан бошлаб республиканинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг янгиланган тизими жорий этилмоқда. Унда аспирантура ўрнига таълим муддати 3 йилдан иборат бўлган стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтини, докторантура ўрнига - тадқиқот соҳасига қараб таълим муддати 2-3 йилдан иборат бўлган катта илмий ходим-изланувчилар институтини ташкил қилиш назарда тутилади. Таълим олаётган аспирантлар ва докторантлар стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ҳамда катта илмий ходим-изланувчилар лавозимларига бир ой муддатда ўтказилишлари керак.

2011 йилнинг 1 январидан бошлаб олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг стажёр-тадқиқотчи-изланувчилари учун стажёр-тадқиқотчининг лавозим маоши базавий миқдорига тенглаштирилган, катта илмий ходим-изланувчилар учун эса - фан номзоди илмий даражасига эга бўлган катта илмий ходимларнинг маошига тенглаштирилган миқдорларда лавозим маошлари белгиланган.

«БАҲОЛОВЧИ» «БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТ»ГА ЎЗГАРТИРИЛДИ

Президентнинг 2010 йил 5 ноябрдаги ПҚ-1430-сон қарори билан Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган), Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга (Президентнинг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон қарори билан тасдиқланган), Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомга (Президентнинг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарори билан тасдиқланган) ва Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга (Президентнинг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон қарори билан тасдиқланган) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур ҳужжатлар баҳолаш фаолиятини фақат баҳолаш ташкилотлари томонидан (олдин ушбу фаолият билан баҳолаш фаолиятига лицензияси бўлган жисмоний шахслар шуғулланишлари мумкин бўлган) амалга оширилишини назарда тутадиган меъёрга мувофиқлаштирилди. Хусусан, юқорида келтирилган ҳужжатлар матнидаги «Баҳоловчи», «Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган шахс» сўзлари «Баҳоловчи ташкилот» сўзлари билан алмаштирилди, «Баҳоловчи хулосаси» ўрнига


эса «Баҳоловчи ташкилот ҳисоботи» термини киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 9 ноябрдаги 248-сон қарори билан республика ҳукуматининг айрим қарорларига уларни баҳолаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилди.

ЖАМҒАРМА ТУГАТИЛИБ, ЯНГИСИ ТАШКИЛ ҚИЛИНМОҚДА

Президентнинг 2010 йил 10 ноябрдаги ПҚ-1432-сон қарори билан 2011 йил 1 январидан бошлаб Молия вазирлиги ҳузурида Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма ташкил қилинмоқда, Мактаб таълими жамғармаси эса тугатилмоқда.

Янги Жамғарманинг асосий вазифаларига, хусусан, таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шу жумладан, зарур ҳолларда ўқув корпусларини ўқув устахоналари ва лабораториялар билан кенгайтириш, спорт заллари ва майдончаларини ҳамда бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича ишларни молиялаштириш, спорт заллари ва майдончаларини ҳамда бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш кирди. Белгиланишича, Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш дастури эндиликда ҳар йили тасдиқланадиган Инвестиция дастурига мустақил бўлим сифатида кирди.



ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАСИН

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 октябрдаги 240-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» (2000 йил 26 июндаги 243-сон) қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Чунончи, зиммасига «Реклама тўғрисида»ги Қонун талаблари бажарилишини таъминлаш юкланган давлат бошқаруви ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг рўйхатида оммавий ахборот воситаларида рекламаларни чеклаш, тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар

реклама қилинишига йўл қўймаслик учун шунингдек Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам масъул этиб тайинланган. Ҳужжатни тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар рекламасини таққиловчи (олдин унга баъзи чекловлар билан йўл қўйилган) меъёрга мувофиқлаштириш мақсадига унга бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилган.

ФРАНШИЗА ҲАҚИДА КЕЛИШАМИЗ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги 244-сон қарори билан Комплекс тадбиркорлик лицензияси (Франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетига чоп этилмоқда).

Франшизинг тўғрисидаги шартнома - у бўйича бир тараф иккинчи тарафга ҳақ эвазига қўриқланадиган тижорат ахборотидан, шунингдек шартномада назарда тутилган мутлақ ҳуқуқларга кирувчи бошқа объектлардан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ҳуқуқини ўз ичига оладиган мутлақ ҳуқуқлар комплексини бериш мажбуриятини оладиган шартнома.

Франшизинг тўғрисидаги шартномалар, уларга муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларнинг амал қилишини бекор қилиш шартнома бўйича лицензия сифатида иш кўрадиган юридик шахс ёки яқка тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказадиган орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Ушбу қоидага риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий ҳисобланмаслигига олиб келади. Рўйхатдан ўтказиш Низомда назарда тутилган ҳужжатлар этилган кундан бошлаб 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади. Давлат рўйхатидан ўтказганлик учун энг кам иш ҳақининг 1/3 миқдорига йиғим тўланади.

ЯНГИ ТАРТИБ АМАЛ ҚИЛГАНДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги 245-сон қарори билан ҳукуматнинг айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб топилди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида низом тасдиқланган 1999 йил 12 июлдаги 342-сон қарор ўз кучини йўқотди. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги 109-сон қарори билан Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш ва расмийлаштиришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом ва Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг қабул қилинганлиги бунга сабаб бўлган.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ СЕНИ КЎПАЙТИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 ноябрдаги 249-сон қарори билан 2010 йил учун саноат кооперацияси асо-



сида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритилди (Президентнинг 2010 йил 23 мартдаги ПҚ-1306-сон қарори билан маъқулланган). Унга маҳсулотларнинг тайёр турларини, хом ашё ва материаллар, бутловчи узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг 51 та янги лойиҳаси киритилган. Маҳаллийлаштириш дастурининг прогноз параметрлари бажарилмаганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга эҳтиёжнинг йўқлиги, шунингдек уларнинг нархи ва сифати бўйича рақобатбардош эмаслиги муносабати билан 2 та лойиҳа эса чиқариб ташланди.

Дастурга янги киритилган корхоналарга имтиёзлар божхона тўловлари бўйича - қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб, солиқлар бўйича эса - 2010 йил 1 ноябрдан бошлаб қўлланилади.

ГУРУҲДА АДАШМАНГ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 11 ноябрдаги 250-сон қарори билан ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

2006 йил 17 майдаги 89-сон қарорга киритилган ўзгартиришлар билан тиббий-меҳнат экспертиза хизмати фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ва ТМЭКни Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказиш муносабати билан Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий маркази ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасининг Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг янги вазифалари ва функциялари белгиланган.

Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида фуқароларни кўриқдан ўтказиш ва ногиронликни белгилаш тартиби тўғрисида низомга (ВМнинг 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори билан тасдиқланган) киритилган янги меъёрга мувофиқ, тиббий ҳужжатларда қасддан сохта маълумотлар кўрсатган, ушбу маълумотлари ТМЭК томонидан нотўғри хулоса чиқариш учун асос бўлган шахслар, шунингдек сохта хулосалар берган ёки ногиронлик гуруҳини қасддан нотўғри белгиланган врачлар ва экспертлар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар. Ҳужжат шунингдек қайта тиббий текширишдан ўтказишни тартибга соладиган банд билан тўлдирилган. Тиббий қайта текширишдан ўтказиш муддати кўрсатилмасдан ногиронлик гуруҳи белгиланадиган касалликлар рўйхатига қўшимчалар

2-бетда

УШБУ
СОҲДА

1-2-бетлар

Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ

\$1 = 1630,97 сўм

3-бет

Оналарга бериладиган нафақалар

€1 = 2249,92 сўм

4-бет

Қадимги Мисрда бухгалтерия ишлари

£1 = 2626,51 сўм

5-6-бетлар


Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар

¥10 = 197,17 сўм

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда ва тузатишлар киритилган бўлиб, эндиликда уларга яққол ифодаланган ҳаракатланиш, лўстлоқ ости, мияча ва статодинамик бузилишлар босқичидаги марказий асаб тизимининг сурункали кучайиб борувчи касалликлари ҳам киради.

Шунингдек бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.



КАСАНАЧИ – ИШ БИЛАН БАНД ДЕМАК

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 29 октябрда 831-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 831, 1999 йил 13 октябрь) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Улар билан ҳужжат Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасидаги ўзгаришларга мувофиқлаштирилмоқда.

Хусусан, ҳужжатнинг матнидаги меҳнат, аҳоли бандлиги ва ижтимоий муҳофазаси бўлимининг номи Аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш марказига ўзгартирилди. Касаначилик ва хунармандчилик билан банд бўлган шахслар ҳам эндиликда банд бўлмаган аҳоли сифатида рўйхатдан ўтказилмади.

2010 йил 8 ноябрдан кучга кирди.

НКМга ЯНГИ ТАЛАБЛАР КЎЙИЛДИ

Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Марказий банк бошқаруви ва Адлия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 2 ноябрда 124-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда нозорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 124, 1995 йил 15 февраль) ўзгартиришлар киритилган. Улар билан ҳужжат Президентнинг 2010 йил 26 апрелдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1326-сон қарорига мувофиқлаштирилади. Чунончи, аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи корхоналар томонидан ишлатиладиган нозорат-касса машиналари ягона техник талабларга мувофиқ келиши, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан мажбурий сертификатланиши ва фаолият амалга ошириладиган жойдаги давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказилиши керак. Улар берадиган касса чекларида солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами (СТИР); товар (бажарилган ишлар, хизматлар) номини; товар (бажарилган ишлар, хизматлар) қийматини; харид қилинган вақт ва санани; нозорат-касса машинаси ва тўлов терминалининг рақамини кўрсатиши керак.

2010 йил 12 ноябрдан кучга кирди.

ИЧКИ НАЗОРАТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Бош прокуратура хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлигининг буйруқлари (АВ томонидан 2010 йил 6 ноябрда 2030-1, 2031-1, 2034-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан қуйидагиларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

• Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички нозорат қоидаларига (рўйхат рақами 2030, 2009 йил 3 ноябрь);

• Кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизмат кўрсатувчи ёки иштирок этувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички нозорат қоидаларига (рўйхат рақами 2031, 2009 йил 3 ноябрь);

• Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички нозорат қоидаларига (рўйхат рақами 2034, 2009 йил 3 ноябрь).

Эндиликда масъул шахслар ички нозоратни амалга оширишда шунингдек қуйидагиларга ҳам мажбурлар:

мижозлардан иш муносабатларининг мақсади ва кўзланган хусусияти, шунингдек, зарур ҳолларда пул маблағларининг келиб чиқиш манбаи тўғрисида сўраш;

мижозни лозим даражада текшириш материалларига қўшиб қўйиладиган яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган, мижознинг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида назарда тутилган мақсад ва фаолият турларига тўғри келмайдиган барча операциялар бўйича лозим даражада текшириш натижалари ва хулосаларини ёзма равишда қайд этиш;

идентификациялашни яқунлаш имкони бўлмаганда ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, мижоз билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадаги мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотлар олинганда, мижоз билан битим тузишни рад этиш.

Бунда операциялар тўғрисидаги маълумотлар зарурат туғилган тақдирда операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.

Идентификациялашни яқунлаш имкони бўлмаганда ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, мижоз билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадаги мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотлар олинганда операцияларни шубҳали деб тан олиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Операцияларда хизмат кўрсатувчи ва иштирок этувчи шахслар энди мижоз томонидан тақдим этилаётган ахборотни текширишга мажбурлар. Улар томонидан ахборотни сақлаш мажбурияти, операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш материаллари ва маълумотлардан ташқари, мижоз билан иш ёзишларига ҳам тегишли (операция амалга оширилганидан ёки мижоз билан муносабатлар тўхтатилганидан кейин 5 йилдан кам бўлмаган муддатда).

2010 йил 16 ноябрдан кучга кирди.

УМРБОД САҚЛАНМАЙДИ

Давлат мулки кўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва нозорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 6 ноябрда 1915-1-сон билан рўйхатдан ўтказил-

ган) билан қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимларини ҳисобга олиш, уларнинг ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1915, 2009 йил 7 март) ҳужжатни «Архив иши тўғрисида»ги Қонунга (2010 йил 15 июндаги ЎРҚ-252-сон) мувофиқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилди. Чунончи, профессионал иштирокчининг ҳужжатлари тасдиқланган йиғмажилдлар номенклатурасига мувофиқ эндиликда архивда ҳар қайси келиб тушган ва чиқиб кетган ҳужжатларни ҳисобга олиш учун келиб тушган ва чиқиб кетган ҳужжатларни ҳисобга олиш китобида, шунингдек йиғмажилдларни яқка ва ялли ҳисобга олиш бўйича йиғмажилдлар рўйхатида ҳисобга олинмайди.

Профессионал иштирокчи томонидан қимматли қоғозлар бозорида амалга оширилган операциялар ва битимларга доир ҳужжатларни идоравий архивда ҳисобга олиш келиб тушган ва чиқиб кетган ҳужжатларни идоравий архивда ҳисобга олиш учун ҳисобга олиш китобида; шахсий таркиб бўйича йиғмажилдлар рўйхатида; доимий сақланадиган йиғмажилдлар рўйхатида; вақтинчалик сақланадиган йиғмажилдлар рўйхатида; фонд йиғмажилдида юритилади.

Идоравий архивларни ташкил этиш учун архив ҳужжатларини сақлаш ва улардан фойдаланиш талабларига жавоб берадиган моддий-техник база, шу жумладан бинолар (хоналар), зарур жиҳозлар, муҳофаза воситалари ҳамда ёнғинга қарши воситалар бўлиши шарт. Махфий идоравий архивлар ташкил этилишига йўл қўйилмайди. Ҳужжат билан шунингдек идоравий архивнинг вазифалари ва функциялари белгиланган.

2010 йил 16 ноябрдан кучга кирди.

КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ТАҚДИМ ЭТИНГ

Марказий банкнинг қарори (АВ томонидан 2010 йил 8 ноябрда 905-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 905, 2000 йил 2 март) ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди. Уларга биноан банкнинг кредит сиёсати банк кенгаши томонидан йилга камида бир марта тегишли йилнинг 1 февралига бўлган муддатда қайта кўриб чиқиши, тасдиқланиши ва Марказий банкка тақдим этилиши керак. Унда ссудалар сифатини аниқлаштириш ва кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши етарли захираларни шакллантириш мақсадида бир чоракда камида бир марта банк кредит портфелининг тўлиқ инвентаризация жараёни белгиланиши керак.

2010 йил 18 ноябрдан кучга кирди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 30 октябрдан 12 ноябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 44-45-сон асосида тайёрланди.

БАНКЛАР ТУГАТИЛИШИ ТАРТИБИ АНИҚЛАШТИРИЛДИ

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 8 ноябрда 626-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатларини бузганлик Марказий банкнинг лицензияни қайтариб олиш тўғрисидаги қарорига асосан банкни мажбурий равишда тугатиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Белгиланишича, банк тугатилганидан кейин унинг архиви, шу жумладан тугатиш комиссиясининг операцияларига доир ҳужжатлар, тугатувчи томонидан банк жойлашган жой бўйича давлат архивига белгиланган тартибда топширилади.

2010 йил 18 ноябрдан кучга кирди.

АКЦИЗСИЗ ОЛИБ ЧИҚИШ МУМКИН

Молия вазирлиги, Давлат божхона кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 8 ноябрда 731-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Фақат эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилиш учун рухсат берилган товарларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига жисмоний шахслар томонидан олиб чиқишнинг чекланган меъёрларига (рўйхат рақами 731, 1999 йил 18 май) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, пилла, хом ипак (пиштилмагани) ва ипак чиқиндилари товарлар рўйхатидан чиқариб ташланди. Шунингдек, жисмоний шахсларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобилларни фақат акциз солиғи тўланганидан кейин олиб чиқишга рухсат берувчи меъёр чиқариб ташланди. Ҳужжат билан бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилган.

2010 йил 18 ноябрдан кучга кирди.

Худди шундай ўзгартиришлар Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 8 ноябрда 572-1 ва 1419-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тижорат банкларининг кўчмас мулкка бўлган инвестицияларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 572, 1998 йил 19 декабрь) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ҳам (рўйхат рақами 1419, 2004 йил 25 октябрь) киритилди.

2010 йил 18 ноябрдан кучга кирди.

МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	18.11.2010	1	0,8002	1	1,0873	1	0,0256
Арманистон	18.11.2010	1	360,59	1	491,84	1	11,59
Беларусь	19.11.2010	1	3035,00	1	4123,96	1	97,28
Грузия	18.11.2010	1	1,7642	1	2,384	1	5,6277
Қозғистон	19.11.2010	1	147,42	1	201,05	1	4,73
Қирғизистон	19.11.2010	1	46,8225	1	63,862	1	1,5213
Латвия	22.11.2010	1	0,521	1	0,702804	1	0,0167
Литва	19.11.2010	1	2,5411	1	3,4528	10	8,1425
Молдова	18.11.2010	1	11,8627	1	15,9916	1	0,3779
Тожикистон	18.11.2010	1	4,3984	1	5,9685	10	1,4198
Ўзбекистон	16.11.2010	1	1630,97	1	2249,92	1	52,88
Украина	18.11.2010	100	793,77	100	1070,0813	10	2,5321
Эстония	18.11.2010	1	11,4694	1	15,6466	1	0,368548

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ
СОҒДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси

1-2-бетлар

✓ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ

- Оналарга имтиёз

- Ходимага тегишли пул берилмаса...

- Маҳалла оила даромадини текширганда

3-бет

✓ БУ – ҚИЗИҚ

- Абадиятга айланган йиллик ҳисобот

4-бет

✓ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- ЎЗР ВМнинг «Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

5-6-бетлар
7-8-бетлар

ОНАЛАРГА ИМТИЁЗ

Эшитишимча, ногирон боласи бор аёллар пенсияга 55 ёшда эмас, балки белгиланган ёшдан олдинроқ чиқиш ҳуқуқига эга эканлар. Шу тўғриси?

Мазкур ҳолда Пенсия жамғармаси бўлимларига қандай ҳужжатларни тақдим этиш зарур?

Г.Мирзаева, уй бекаси.



– Дарҳақиқат, ногирон боласи бор аёллар 55 ёшга етмасдан (белгиланган ёшдан олдин) пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгалар. Чунончи «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун (1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон) 12-моддасининг «з» бандига мувофиқ болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни 8 ёшгача тарбиялаган бўлсалар-болани парваришlash учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда* иш стажига камида 20 йил бўлса ёки болани парваришlash учун кетган вақт қўшилмаганда иш стажига камида 15 йил бўлган тақдирда белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда, яъни 50 ёшдан пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ногирон болани парвариш қилиш вақти куйидагилар асосида аниқланади**:

– парваришни амалга оширишнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси;

– ногиронликда бўлганликни, ёшни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Парваришни амалга оширишнинг ҳақиқий аҳолини текшириш далолатномаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими томонидан маҳалла, қишлоқ (шаҳарча), овул (уй-жой ташкилотла-

ри) фуқаролар йиғинидан олинган маълумотлар, ногиронларнинг ўзлари ва уларнинг кўни-қўшнилари билан ўтказилган суҳбат асосида тузилади.

Ногиронликни тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида тиббий-мехнат эксперт комиссияси (ТМЭК)дан ўтганликни тасдиқловчи далолатномадан кўчирма, тиббий ҳулоса, нафақа олувчининг гувоҳномаси, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимининг маълумотномаси ва бошқалар қабул қилиниши мумкин. Ногирон боланинг ёшнинг тасдиқловчи ҳужжат сифатида паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма тақдим қилиниши мумкин.

*Онанинг (ўғай онанинг) болаларини (ўғай ўғилларини, ўғай қизларини) гўдаклик ёшида парваришлаган вақти, лекин кўпи билан ҳар бир бола 3 ёшга тўлгунча, ҳаммасини жамлаганда 6 йил доирасида ва (ёки) 1 гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага (даволаш муассасасининг ҳулосасига кўра) қараб турилган вақт.

**Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомнинг 12-банди (ВМнинг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига илова).



Қизим хусусий корхонада алоқа оператори бўлиб 2 йилдан ортиқ ишлади. Яқинда, иш ҳақи сақланмайдиган таътилда бўлган вақтида у иш берувчига ҳомиладорлик ва туғиш бўйича касаллик варақасини тақдим этди. Иш берувчи унга ҳақ тўлашни истамади, бироқ бир неча марта талаб қилганимиздан кейин қизимнинг маоши юқори бўлса ҳам, энг кам иш ҳақи бўйича бу маблағни тўлади. Шундан кейин у қизимни гўё яшаш жойи ўзгариши муносабати билан ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзишга мажбур қилди, бу пайтда у декрет таътилида эди. Натижада биз ҳозир бола туғилиши ва уни парваришlash муносабати билан бериладиган нафақани расмийлаштира олмаёмиз.

Қизим ишлаётган вақтда иш берувчи ҳақи тўланадиган таътил берилмаслигини айтган. У ҳақи тўланадиган таътиллари бермасликка, шунингдек ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тўлашни истамай, уни қизимнинг маошидан кам миқдорда тўлашликка ҳақлими?

Ф.Сорокина.
Чирчиқ ш.

ХОДИМАГА ТЕГИШЛИ ПУЛ БЕРИЛМАСА...

– Ишловчи аёлларнинг туғруқ-қача 70 календарь кун ва туғруқдан кейин 56 (туғиш қийин кечган ёки икки ёхуд ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – 70) календарь кун давомида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил олиш ҳуқуқи кафолатланган, бунда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақаси асосида иш жойида тайинланадиган ва тўланадиган нафақа тўланади. Унинг ҳисоблаб чиқарилиши Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга* мувофиқ тартибга солинади. Нафақа кўшиб ҳисобланиб, аёл туғишига қадар амалда фойдаланган кунлар сонидан қатъи назар тўлиқ тақдим этилади. У ҳомиладорлик ва туғиш бўйича бутун таътил давомида иш ҳақининг тўлиқ миқдориди (100%) тўланади.

2010 йилдан бошлаб ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш

бўйича нафақаларни ўз ҳисобидан тўлаш мажбурияти иш берувчилар зиммасига юклатилди**. Унинг тўланиши мажбурий норма саналади, корхона раҳбари нафақани тўлашни рад этишга ҳақли эмас.

Бундан ташқари, аёл иш жойидан энг кам иш ҳақининг 2 бараварига тенг миқдордаги бола туғилиши муносабати билан бериладиган бир марталик нафақани олишга ҳақли.

Меҳнат кодексининг 133-моддасига мувофиқ барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун камида 15 иш куни давомида иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади. Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган истисноли ҳолларда ходимнинг розилиги

билан 12 иш кунидан ошадиган таътилни бир қисми кейинги иш йилига ўтказилиши мумкин, ўша йили ундан албатта фойдаланилиши шарт.

Меҳнат муносабатларини фақат Меҳнат кодексига назарда тутилган асосларга кўра бекор қилиш мумкин.

Иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун жавобгар бўлади. Ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари устидан суд тартибиде шикоят берилиши мумкин.

Жиноят кодексининг 148-моддасига мувофиқ аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб ишдан бўшатиш энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

**Президентнинг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПК-1245-сон қарорининг 24-банди.

МАҲАЛЛА ОИЛА ДАРОМАДИНИ ТЕКШИРГАНДА

Ногирон болани бир ўзим тарбиялайман. Менга вояга етмаган болалари бўлган оилаларга бериладиган нафақа тайинлашларини сўраб маҳалла кўмитасига мурожаат қилдим. Маҳаллада улар оиланинг моддий аҳолини текширишларини айтишди. Текширув ўтказишга улар ҳақлими? Бундай текширувни ўтказиш тартибини белгилайдиган ҳужжат борми?

С.Тиллаева.

– Юқорида кўрсатилган нафақани бериш тартиби Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида низом¹ (бундан кейин – 437-сон Низом) билан белгиланади. Унинг 15-бандига мувофиқ оиланинг нафақага муҳтожлигини аниқлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳузурида махсус комиссия тузилади, у ариза берилган кундан бошлаб икки ҳафта ичида нафақа сўраб мурожаат қилган оиланинг моддий ва мулкӣ аҳолини текширади. 437-сон Низомга ва 16 ёшга тўлмаган болали оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби бўйича услубий кўрсатмаларга² (бундан кейин – Услубий кўрсатмалар) мувофиқ махсус комиссия таркибига фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг раиси (оқсоқоли), маслаҳатчилар ва ўзини ўзи бошқариш органининг котиби, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказининг ходими, туман (шаҳар) ҳокимлигининг ваколатли вакили қиради. Улардан ташқари, комиссияга жамоатчилик (уйлар, кўчалар), маҳаллий солиқ ва молия органларининг вакиллари киришлари мумкин.

Оила даромадлари текшириладиганда комиссиянинг камида 3 аъзоси ҳозир бўлиши зарур. Уни ўтказишнинг аниқ вақти (санаси) ҳақида аризачига олдиндан хабар берилади. Текширув чоғида оила аъзолари

оладиган даромадларнинг миқдорлари ва манбалари, унинг миқдор таркиби, шу жумладан оиланинг меҳнатга қобилиятли аъзолари бандлиги тўғрисидаги маълумотлар аниқлаштирилади.

Оиланинг нафақа тайинлашга муҳтожлиги даражасининг асосий кўрсаткичи бўлиб оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдори ҳисобланади.

Комиссия оиланинг умумий турмуш даражаси ва сифатига, унинг мулкӣ аҳолига ҳам эътибор қаратади. Нисбатан яқин орада (даромадларнинг ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган даврда) сотиб олинган салмоқли мол-мулкка (турмуш даражаси юқори эканлигидан далолат берадиган ашёларга) эга бўлган ва бунда даромади паст эканлигини кўрсатадиган оила ўзининг жами даромадини атайлаб пасайтиряпти деб тахмин қилинади.

Оиланинг моддий ва мулкӣ аҳолини текшириш натижалари бўйича текширув далолатномаси (437-сон Низомга 1-иловада келтирилган шаклда) тузилади, унда албатта куйидагилар кўрсатилади: текшириладиган оила таркиби; унинг жами даромади миқдори; оила аъзолари даромадини шакллантиришнинг асосий манбалари; оиланинг катта ёшли (меҳнатга қобилиятли) аъзолари бандлиги тўғрисида маълумотлар.

Аризачи томонидан тақдим этилган маълумотномалар асосида комиссия унинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган жами даромад миқдорини ҳисоб-китоб қилади ва уни ўзини ўзи бошқариш органи томонидан белгиланган муҳтож оилаларни аниқлаш мезони билан таққослайди. 437-сон Низомнинг 19-бандига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобрақамидаги маблағлар миқдоридан ва нафақанинг белгиланган миқдорларидан келиб чиқиб нафақа тайинлаш учун мезонларни мустақил равишда белгилайди.

Комиссия аниқланган маълумотлар асосида фуқаролар йиғини ёки вакиллар йиғилишига оилани нафақа тайинлашнинг

мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тавсия киритади, у тасдиқланиши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, ногирон болали оилалар нафақа олишда устувор ҳуқуққа эгадир (437-сон Низомнинг 5-банди). Унда белгила-нишича, бошқа тенг шароитларда (қониқар-сиз мулкӣ аҳвол, даромадларнинг паст даражаси ва ҳоказо) ушбу оилаларга нафақа тайинлашда устунлик берилади. Масалан, тўлашга аҳрлатилган маблағларнинг миқдори барча муҳтож оилаларни камраб олиш имкони бермаса, биринчи навбатда устувор ҳуқуққа эга бўлган оилалар танлаб олинади.

Битта болали оилалар учун нафақа энг кам иш ҳақининг 50 фоизини ташкил қилади.

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад нафақа тайинлаш учун мурожаат қилинган ойдан аввалги 12 ой учун ҳисоблаб чиқарилган, оиланинг жами даромадини ҳисобга олиш учун қабул қилинган оила аъзолари сонига бўлинган оила ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромадлари суммаси сифатида аниқланади.

Оила ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромади нафақа олиш учун мурожаат қилинган ойдан аввалги 12 ой учун мазкур шахс олган даромадларни у олинган ойлари сонига кўшиш йўли билан аниқланади.

Агар нафақа учун мурожаат қилинган ойдан олдинги 12 ой мобайнида айрим ойларида иш ҳақи ҳисоблаб ёзилмаган бўлса, улар жами даромадни аниқлаётганда ҳисоб-китобга кири-тилмайди. Бундан иш ҳақи сақланмаган ҳолда узоқ вақт мажбурий таътилларида (3 ойдан кўпга) бўлган шахслар ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ходимлари мустаснодир.

Оиланинг жами даромадида барча турдаги иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятдан олин-ган даромадлар (шу жумладан яқка тартибдаги меҳнат фаолиятдан), деҳқон хўжалигидан олинган даромадлар, пенсиялар (уларнинг туридан қатъи назар), стипендиялар, нафақа-лар, шу жумладан ишсизлик ва бола икки ёшга тўлгунча уни парваришlash бўйича нафақа-лар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кам таъминланган оила-ларга тўланадиган моддий ёрдам ва ҳоказолар ҳисобга олинади. Уларнинг рўйхати Услу-бий кўрсатмаларнинг 3-иловасида келтирилган.

Оилаларнинг жами даромадида тўланадиган алиментлар (иш ҳақидан ушланадиган) суммасини ҳисобга олмаслик керак. Оила оладиган (оила фойдасига тўланадиган) алиментларнинг суммаси ҳам даромад манбаларидан бири сифатида қаралади ва ҳисобга олиниши керак.

Даромадлар тўғрисидаги маълумотларни аризачи мустақил равишда тақдим этади. Уларнинг тўлиқлиги ёки ҳаққонийлиги тўғрисида шубҳа юзага келган тақдирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ундан тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилишга ҳақлидир.

Болаларга нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилган аёл турмуш ўртоғи би-лан расман ажралган, бироқ ундан алимент олмаётган бўлса, маҳалла кўмитаси аёлнинг ундан алимент тўлаши тўғрисида даъво аризаси беришини талаб қилишга ҳақлидир, чунки аёлда ўзининг моддий аҳолини яхшилашнинг объектив имкониятлари мавжуд.

¹ВМнинг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни ку-чайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 437-сон қарорига илова.

²Меҳнат вазирлиги ва МВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 4 июнда 740-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Жавобларни «Норма» МЧЖ эксперт-юристи Мария ТУХТАРОВА тайёрлади.

Бухгалтерия ҳисоби тарихидан

АБАДИЯТГА АЙЛАНГАН ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ

Ҳисобот тузиш кўпинча бухгалтердан бутун иқтисоди, ақл-заковати ва куч-ғайратини ишга солишни талаб қилади. Бухгалтерия баланси деган нарса умуман бўлмаган беташиш даврлар ҳам бўлганмикин? Бўлган экан. Аммо уларнинг тарих қаърига сингиб кетганига кўп бўлди.

ИБТИДО

Ҳисоб ва ҳисобот тарихи ибтидоси жуда-жуда қадим даврлардан бошланган. Ҳозирги Римнинг харобалари остидан археологлар кўп миқдорда қадимий бош суякларини – қўшқулоқли сопол идишлар парчаларини топдилар. Уларда сақланган маҳсулотларнинг номи, миқдори ва жойи қайд этилган экан. Олимларнинг аниқлашича, Рим империясининг кўпгина вилоятларидан савдогарлар олиб келган барча озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисоби пухталиқ билан юритилган. Махсус тайёрланган одамлар омбор эгалари ҳузурига бориб, ҳисоб ёзувларини текшириб кўриб, моддий қимматликларнинг муайян қисмини давлат фойдасига олиб кетганлар.



Қадимги Миср ёзувлари.

Айтиш жоизки, ишбилармон кишиларга ўша пайтларда ҳам солиқ бобида мақбуллаштириш таомили ёт бўлмаган, шу сабабли ҳам товарларнинг бир қисми маъмуриятга тақдим этиладиган ҳисоботларга киритилмаган. Ҳисобдаги бундай хатолик қимматга тушиши, ҳаётдан ҳам маҳрум бўлиш мумкин эканлигига қарамай, қадимги солиқ хизматининг инспекторлари керакли тайёргарликни кўрганлар ва солиқдан бўйин товловчиларни жазолашни узоққа чўзиб ўтирмаганлар.

Аммо ҳисобга олиш ишини айна римликлар ихтиро этдилар дейиш қийин. Уларга қадар ҳам кўпгина бошқа халқлар ўз хўжалик фаолиятлари тўғрисида ўзига хос тарзда ҳисоботлар қолдирганлар. Кўҳна тамаддунларга мансуб ибодатхона ва саройлардан қолган харобалар озми-кўпми салобати бўлган ҳар қандай ҳукмдор кўл остида қилинаётган ишлар аҳволи тўғрисидаги маълумотларни жамоатчилик эътиборига етказишга ҳаракат қилган. Аждодларимиз ўша кезларда тикланган иншоотларнинг девор-

ларида зафарли ҳарбий юришлар якунларини, бинобарин ўлдирилган ва асир олинган душманлар сонини, ўлжа қилинган бойликлар миқдорини, маъбудлар йўлида қилинган қурбонликларни, садоқатли навкарларга берилган мукофотлар сонини ақс эттиришга ҳаракат қилишган. Оммавий ҳисобот бундан ортиқ бўладими, ахир?!

Мисрликлар эҳромларни тиклашда улкан иншоот бунёдкорлари таъминоти-га кетган емиш захиралари рўйхатини тошга ўймакорлик билан битганлар. Кўҳна Миср ҳисобчилари меҳнати шарофати билан ўша кезлари озиқ-овқатлар ичида айниқса пиёз, саримсоқ, редиска бағоят қадрли бўлганлиги бизларга ҳам аён бўлди.

Вавилон аҳли ҳам мол-мулк ҳисобда бўлишини ёқтирган. Уларнинг ҳисоботлари ҳозирги гишт ўлчамлари ва оғирлигидаги қиздириб пишитилган лой лавҳалар шаклида етиб келган. Вавилонликлар бундай салмоқдор ҳужжатларни махсус биноларда сақлашган.


Кўҳна Афина аҳолиси унча омилкор эмасди – ҳисоботларини мрамор ҳамда бронза плиталарга битик шаклида қайд этишарди, хусусан оила бошлиқларининг бойликлари тўғрисидаги маълумотлар мужассам этиларди. Афиналиклардан тўқинлик ва фаровонликларини халққа ошкор қилишни сўрашга ҳожати йўқ эди. Улар ибодатхоналар пойи ва йўл ёқаларига бронза ёки мрамор «декларациялари»ни бажонидил териб кўярдилар. Бу билан исталган йўловчинини ўз мақомларидан хабардор қилган бўлардилар. Зотан тўқлик даражаси ҳозиргидек инсоннинг жамиятдаги мавқеини белгиларди.

Қадимги ҳисоботларнинг мукамаллик даражаси юқори бўлмаган эса-да, уларни расмийлаштириш, кўриб турибдики, ўша пайтларда ҳам осон бўлмаган.

УНУТИШ

Ўрта асрларни баъзан «зулмат йиллари» дейишганича бор. Ўша кезлари ёзма ҳисобот шакли ишончдан чиқиб, таназзулга юз тутди. Туманли Альбион заминдорлари, масалан, қўлёзма матнларини қалбақлаштириш осон деган хаёлда бундай матнларга нисбатан ўз гунаҳларининг оғзаки хабарларига кўпроқ ишонардилар. Хизматчилар кўрсатмаларни ўзгартирмаслиги учун ҳисоботлар гувоҳлар ҳозирлигида эшитиларди.

XIII асрнинг охирида ҳисоб ишида туб бурилиш ясади. Жўшқин ривожланиб бораётган савдо-сотиқнинг залвори остида ва ишлаб чиқариш кенгайиб бораётганлиги натижасида ҳисобот тузиш ҳам ривож топди. Бу пайтга келиб қиймат кўрсаткичи унинг асоси бўлиб қолди. Дастлаб баланс, кейин эса фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот амалиётга киритилди. Ўшандан буён баланс ҳисоб-



ботнинг асосий шакли деб қараладиган бўлди.

РОССИЯ БОСҚИЧИ

Россияда ҳам князлар, боёнлар ва бошқа зодагонлар асрлар мобайнида ўз мол-мулкларини ҳисобини юритиб келдилар, аммо бу ишни Петр I га қадар ҳар ким ўз билганича қиларди. Ислохотчи подшо бепоеён давлатда тартиб ўрната бориб, моҳият эътибори билан мамлакатда умуман бухгалтерия ва хусусан йиллик ҳисобот теран «илдиз отиши»ни таъминлади. 1740 йилда подшо банкротлик тўғрисида фармон чиқарди, унга кўра ҳар йили йил якунлагач ҳар ким «ўз балансини ўзи тузатиши» лозим. Мазкур ҳужжат тавсия хусусиятига эга эканлиги боис кўпчилик дастуриламал сифатида қабул қилмаган бўлса-да, ҳар қалай давлатда йиллик бухгалтерия ҳисобини тузишга асос солди.


Кўтара савдо билан шуғулланувчи Россия савдогарларининг аксарияти кўрган фойда миқдорини ўзимиз билсак кифоя деб ҳисоблардилар, бу маълумотларни давлат эътиборига етказишни мажбурий деб билмасдилар. Шу-шу савдогарлар тадбиркорлик фаолияти натижаларини ошкор қилмас, давлат ҳам бу ҳақда сўраб-суриштирмас эди.

Россия ҳисоб бобида ана шундай «сиёсат»га амал қилиб, XIX асрга қадар тинч-хотиржам яшаб келди. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Акциядорлик жамиятлари пайдо бўлди ва жадаллик билан ривожлана бошлади. 1836 йили уларнинг сони ўн-ўн бешта бўлган бўлса, аср охирига келиб 2,5 мингтага яқинлашди. Бизнеснинг ана шу корпоратив ташкилот кўринишидаги шакли бутунлай бошқа қоидаларни ўрнатди. Эгаллик қилиш ва бошқариш вазифалари бўлинди. Корхона мулкдорлари ўз маблағ ва воситаларини ёлланма бошқарувчи кўлига ишониб топширгач, пуллари қандай ишлаётганлигини билиб туришни хоҳлардилар, албатта. Шу зайил фаолият самарадорлиги ҳақида тасаввур берадиган йиллик бухгалтерия ҳисоботи зарурат юзага келди.

Хунармандчилик солиғи жорий этилиши ҳам йиллик ҳисобот оммалашишига олиб келди. Тегишли фармон бухгалтерия ҳисоботи тузиш тартибини расамадга солди ҳамда уни барча манфаатдор тарафларга тақдим этиш мажбуриятини белгилаб қўйди. Масалан, ҳужжатнинг 473-моддасида айтилишича, корхоналарнинг бошқарувлари, масъул агентликлар ва бош вакиллар ҳар йили якунловчи балансларни ҳамда йиллик ҳисоботлардан кўчирмаларни махсус журналда эълон қилишлари шарт. Аммо ана шу балансларнинг тузилиши, моддаларнинг таркиби, баҳолаш усуллари ва ҳисоботни тақдим этиш услублари белгилаб қўйилмаган эди. Давлат хунармандчилик солиғи тўғрисидаги низом билан тасдиқланган бир неча қоида бор

эди, холос. Таассуфки, қоидалар умумийроқ бўлиб, ҳисоботлар ва баланслар шаклини ишлаб чиқиш унда истиқбол режаси тарзида айтиб ўтилган эди. Бундай режа эса умуман амалга оширилмаган. Шу сабабли ҳисоботларда ҳар хиллик, уларнинг шакли борасида эса ўзбошимчалик ҳукм сурарди. Ҳар бир корхона маълумотларни ўз манфаатларидан келиб чиқиб эълон қиларди. Агар корхона эгалари катта дивидендлар тўлашни ёки кўшимча равишда акциялар чиқаришни оқлашни исташса, балансга «Текширилмаган фойдали қазилма бойликлари», «Сувнинг ҳаракатлантирувчи кучи» ва шу сингари моддаларни киритиш йўли билан баланс активини кўпайтириб кўрсатишарди. Борди-ю, молиявий кўрсаткични камайтириб кўрсатишдан наф қўрадиган бўлсалар, улар мол-мулк, товар-моддий бойликлар қийматидан исталган суммани, дебиторлик қарзларини харажат тарзида ҳисобдан чиқариб қўя қолардилар.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга тааллуқли ишларда аҳвол бирмунча яхши эди. 1899 йил 11 майдаги йўриқнома ялпи даромад таркибини, ундан ажратиладиган ажратмаларни ва харажатлар турларини анчагина қаттиққўллик билан тартибга солди.



Б.Кустодиевнинг «Савдогар» картина-сидан репродукция.

Октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки йилларда ҳисобот шаклларининг мажбурий бланкалари пайдо бўлди, йиллик ҳисобот ягона услубга эга бўлди. Ўшандан буён ўтган йиллар мобайнида мазкур ҳужжат бир неча марта ўзгарди ва тақомиллаштирилди.

Ҳадемай шундай кунлар келадики, ҳисобот тузиш қоидалари халқаро миқёсда бирхилликка эга бўлади ва бухгалтерлар уни халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича тайёрлайдилар.

Хорижий матбуот материалларидан.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**
— «Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

КОМПЛЕКС ТАДБИРКОРЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ (ФРАНШИЗИНГ) ШАРТНОМАЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 44-45-сон, 382-модда)

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитларни янада шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Давлат патент идораси манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Ташкилий тадбирлар режасини тасдиқласинлар. Режада қуйидагилар:

Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг асосий мақсадлари ва моҳиятини ҳамда комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини ташкил этиш механизмини тушунтириш;

республика ҳудудларида франшизингни ривожлантиришнинг афзалликлари тўғрисида тадбиркорлик субъектлари ўртасида давра суҳбатлари ташкил этиш;

ихтисослаштирилган семинарлар ва тренинглар ўтказиш йўли билан комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказишни таъминлаш учун масъул бўлган мутахассислар малакасини тизимли оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари назарда тутилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда тизимли асосда франшизингни йўлга қўйиш, шунингдек миллий брендларнинг чет элга чиқишида тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш учун халқаро эътироф этилган ташкилотларни,

энг аввало, ишлаб чиқариш ташкилотларини ва уларнинг брендларини Ўзбекистон Республикасига жалб этиш ишларини олиб борсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва хўжалик бошқаруви органларига:

манфаатдор ташкилотлар ва халқаро донор институтлар билан биргаликда йирик корхоналар билан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш мақсадида франшизингни тизимли ўрганиш ва унинг механизмини Савдо-саноат палатаси аъзолари ва шериклари орасида жорий этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда франшизинг механизmidан фойдаланган ҳолда муваффақиятли корхоналарнинг тажрибасини аниқлаш ва ёйиш чора-тадбирларини кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг сайтида франшизинг механизмини қўллаш бўйича ўқув-методик ва кўргазмали қўлланмаларни, шарҳларни жойлаштириш тавсия қилинсин.

5. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.

2010 йил 4 ноябрь, 244-сон.

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 4 ноябрдаги 244-сон қарорига
ИЛОВА

КОМПЛЕКС ТАДБИРКОРЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ (ФРАНШИЗИНГ) ШАРТНОМАЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаларини (кейинги ўринларда «франшизинг тўғрисидаги шартнома» деб юритилади) давлат рўйхатидан ўтказишда, франшизинг тўғрисидаги шартномаларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилишда қонун ҳужжатлари-

га мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ваколатига эга бўлган давлат органлари билан франшизинг тўғрисидаги шартнома бўйича лицензиат ёки лицензиар сифатида иш кўрадиган юридик шахслар (тижорат ташкилотлари), яқка тадбиркорлар ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиди.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини амалга ошириш учун тегишли рухсатномалар (лицензиялар) олиш зарур бўлган тақдирда, лицензиат тегишли рухсатнома (лицензия) олиши ва бундай фаолиятни фаолиятнинг ушбу турини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига мувофиқ амалга ошириши шарт.

2. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Франшизинг тўғрисидаги шартнома - у бўйича бир тараф (лицензиар) иккинчи тарафга (лицензиатга) ҳақ эвазига лицензиарнинг фирма номидан ҳамда қўриқланадиган тижорат ахборотидан, шунингдек шартномада назарда тутилган мутлақ ҳуқуқларга кирувчи бошқа объектлардан (товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ихтиролар ҳамда бошқалардан) лицензиатнинг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ҳуқуқини ўз ичига оладиган мутлақ ҳуқуқлар комплекси (лицензия комплекси)ни бериш мажбуриятини оладиган шартнома;

комплекс тадбиркорлик бўйича қўшимча лицензия шартномаси (кейинги ўринларда «қўшимча лицензия шартномаси» деб юритилади) - бу лицензиат томонидан унга берилган лицензия комплексидан ёки унинг қисмидан лицензиар билан келишилган ёхуд франшизинг тўғрисидаги шартномада белгиланган шартларда фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсларга бериш тўғрисидаги шартнома;

лицензиар - франшизинг тўғрисидаги шартнома бўйича тараф, лицензиатга комплекс мутлақ ҳуқуқларни ҳақ эвазига фойдаланиш учун берувчи комплекс мутлақ ҳуқуқлар (лицензия комплекси)нинг ҳуқуқий эгаси;

лицензиат - франшизинг тўғрисидаги шартнома бўйича тараф, лицензиарнинг комплекс мутлақ ҳуқуқларидан тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқий фойдаланувчи;

Франшизинг тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш - тегишли рўйхатдан ўтказувчи органларда Франшизинг тўғрисидаги шартномаларни (уларни тузишни, уларга муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилишни) давлат рўйхатидан ўтказишни ҳисобга олиш журналига (кейинги ўринларда «Журнал» деб аталади) ёзиш тартиб-қоидаси;

Франшизинг тўғрисидаги шартномага муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар - шартнома предмети, етказиб бериладиган товар (ишлар, хизматлар)нинг миқдори, сифати, тури, нархи, бажариш муддатлари, ҳисоб-китоб тартиби, тарафларнинг реқвизитлари, шартнома тузилган сана ва жой, шунингдек франшизинг тўғрисидаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки уларга нисбатан тарафлардан бири томонидан берилган ариза бўйича битимга эришилиши керак бўлган бошқа муҳим шартлар бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар.

II. ФРАНШИЗИНГ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАЛАРНИ

ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

3. Франшизинг тўғрисидаги шартномалар, уларга муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларнинг амал қилишини бекор қилиш давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

4. Франшизинг тўғрисидаги шартнома (муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда бекор қилиш) шартнома бўйича лицензиар сифатида иш кўрадиган юридик шахс ёки якка тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказадиган орган (кейинги ўринларда «рўйхатдан ўтказувчи орган» деб аталади) томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Ушбу қоидага риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий ҳисобланмаслигига олиб келади.

Агар лицензиат хорижий давлатда юридик шахс ёки якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса, франшизинг тўғрисидаги шартномани (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар ҳамда бекор қилиш)ни давлат рўйхатидан ўтказиш шартнома бўйича лицензиат сифатида иш кўрадиган юридик шахс ёки якка тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказган Ўзбекистон Республикасининг рўйхатидан ўтказувчи органи томонидан амалга оширилади.

Агар франшизинг тўғрисидаги шартномада ташқи савдо операциялари (товарлар, ишлар ва хизматлар экспорти-импорти) назарда тутилган бўлса, у ҳолда бундай операцияларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга ҳам риоя қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда интеллектуал мулк объектларига нисбатан

мутлақ ҳуқуқларни ўз ичига оладиган франшизинг тўғрисидаги шартнома (лицензия шартномаси)нинг тегишли қисми Патент идорасида ҳам рўйхатдан ўтказилиши керак. Бунда лицензия шартномаси франшизинг тўғрисидаги шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ушбу талабга риоя қилинмаган тақдирда, агар шартноманинг бошқа шартлари бевосита ўз кучини сақлаб қолиши мумкин бўлса, шартноманинг (лицензия шартномасининг) тегишли қисми ёхуд франшизинг тўғрисидаги шартнома умуман тузилмаган ва ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Агар интеллектуал мулк объекти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилмаган бўлса, интеллектуал мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ва уни франшизинг тўғрисидаги шартнома бўйича бериш шартнома тарафларининг хоҳишига кўра амалга оширилади.

5. Давлат рўйхатидан ўтказиш ушбу Низомнинг 9 - 11-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

6. Франшизинг тўғрисидаги шартнома (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки бекор қилиш)ни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза:

а) якка тадбиркор;

б) юридик шахс - ҳуқуқ эгаси (шартномага ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида суд органининг қарори асосида, ёки, агар ҳуқуқ эгаси хорижий шахс бўлса, ҳуқуқдан фойдаланувчи)нинг доимий ишлайдиган ижро этувчи органи раҳбари ёки юридик шахс номидан ишончномасиз иш кўриш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс;

в) ҳуқуқ эгаси бўлган юридик шахс ёки якка тадбиркор номидан ишончнома асосида иш кўрадиган бошқа шахс томонидан берилиши мумкин.

7. Франшизинг тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза эркин шаклда тузилади.

Бунда лицензиар (лицензиат) аризада қуйидаги маълумотларни кўрсатади:

а) лицензиар (лицензиат)нинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва манзили, лицензиар ўз фаолиятини амалга ошираётган ва келгусида лицензиат ўз фаолиятини амалга оширадиган ном (савдо маркаси, савдо белгиси ва ҳоказолар);

б) шартнома предмети бўлган франшизингнинг қисқача тавсифи;

в) лицензиарнинг интеллектуал мулки ҳақидаги лицензиатга бериладиган:

рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказиш учун бериш;

интеллектуал мулк эгаси;

интеллектуал мулкка рухсат берувчи ҳужжатнинг амал қилиш муддати ҳақидаги маълумотлар;

г) франшизинг тўғрисидаги шартномани амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Франшизинг тўғрисидаги шартномага муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки бекор қилишни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризада лицензиар (лицензиат)нинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва манзили ҳамда аризанинг нима ҳақда берилаётганлиги кўрсатилади.

Ариза берувчи аризани ваколатли шахс (раҳбар ёки ишончнома асосида иш кўрувчи бошқа шахс)нинг имзоси ва ўз муҳри билан тасдиқлайди. Ариза юридик шахснинг раҳбари томонидан имзоланганда унинг лавозими кўрсатилади.

8. Ҳужжатлар ваколатли шахснинг (ариза берувчининг) ўзи томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилади ёки топширилганлик тўғрисидаги билдириш қоғози билан почта жўнатмаси орқали юборилади.

Франшизинг тўғрисидаги шартнома (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки бекор қилиш)ни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар бевосита тақдим этилганда кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни тақдим этган шахсга рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ҳужжатларнинг рўйхати ва улар олинган сана кўрсатилган ҳолда ҳужжатлар олинганлиги тўғрисида тилхат берилади. Тилхат ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан олинган кунда берилиши керак.

Почта орқали юборилган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга тушганда тилхат ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан олинган кундан кейинги бир иш кунидан кечикмай топширилганлиги тўғрисидаги билдириш қоғози билан ваколатли шахсга почта жўнатмаси орқали жўнатилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш сабаблари кўрсатилган қарор почта орқали юборилган тақдирда улар ваколатли шахсга почта орқали жўнатиш учун топширилган ҳужжатлар рўйхати илова қилинган ҳолда топширганлик ҳақидаги билдиришнома билан юборилади.

9. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун франшизинг тўғрисидаги шартномалар рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилганда давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

а) франшизинг тўғрисидаги шартнома ҳар бир тарафининг юридик шахс ёки якка тадбиркор сифатидаги мақомини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси (гувоҳнома, патент, хорижий лицензиар учун - хорижий давлатнинг тегишли давлат реестридан кўчирма ёки тегишли ўрнини босувчи ҳужжатлар);

б) фаолиятнинг тегишли турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи зарур рухсатномалар (лицензиялар) нусхаси, башарти Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бундай рухсатнома талаб қилинса. Агар франшизинг тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш пайтида бундай рухсатнома (лицензия) олинмаган бўлса, бундай рухсатнома (лицензия)нинг нусхаси у олингандан кейин бир ҳафта муддатда рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилади;

в) тарафлар томонидан имзоланган франшизинг тўғрисидаги шартноманинг уч нусхаси тикилган, варақлари рақамланган бўлиши керак, уларда ўчириб тузатишлар, қўшимча ёзувлар, усти чизилган сўзлар ёки бошқа қайд этилмаган тузатишлар бўлмаслиги керак;

г) рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат. Агар ваколатли шахс ишончнома асосида иш кўрадиган шахс бўлса, кўрсатиб ўтилган шахснинг ваколатини тасдиқлайдиган, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжатнинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Тарафлар томонидан имзоланган франшизинг тўғрисидаги шартноманинг тақдим этилган нусхаларига тегишли рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ёзув қайд этилади (штамп босилади).

Франшизинг тўғрисидаги шартноманинг икки нусхаси франшизинг тўғрисидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейинги бир иш кунидан кечикмай ваколатли шахсга берилади (юборилади), учинчи нусхаси рўйхатдан ўтказувчи органда сақланади.

10. Франшизинг тўғрисидаги шартномага муҳим ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга тегишли ҳужжатларни топширишда давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) тарафлар томонидан имзоланган франшизинг тўғрисидаги шартномага киритилаётган муҳим ўзгартириш ва қўшимчаларнинг уч нусхаси;

б) суд органининг қарори асосида франшизинг тўғрисидаги шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда - ушбу ҳужжатнинг нусхаси;

в) рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Агар ваколатли шахс ишончнома асосида иш кўрадиган шахс бўлса, кўрсатиб ўтилган шахснинг ваколатини тасдиқлайдиган, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжатнинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Тарафлар томонидан имзоланган франшизинг тўғрисидаги шартномага муҳим ўзгартириш ва қўшимчаларнинг тақдим этилган нусхаларига тегишли рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ёзув қайд этилади (штамп босилади).

Франшизинг тўғрисидаги шартномага киритилаётган муҳим ўзгартириш ва қўшимчаларнинг икки нусхаси франшизинг тўғрисидаги шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейинги бир иш кунидан кечикмай ваколатли шахсга берилади (юборилади), франшизинг тўғрисидаги шартномага ўзгартириш ва қўшимчаларнинг учинчи нусхаси эса рўйхатдан ўтказувчи органда сақланади.

11. Франшизинг тўғрисидаги шартноманинг бекор қилиниши давлат рўйхатидан ўтказилаётганда рўйхатдан ўтказувчи органга бериладиган давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) тарафлар томонидан имзоланган франшизинг тўғрисидаги шартномани бекор қилиш тўғрисидаги битимнинг уч нусхаси;

б) франшизинг тўғрисидаги шартнома суднинг ҳужжати асосида бекор қилинганда франшизинг тўғрисидаги шартномани бекор қилиш тўғрисидаги битим ўрнига ушбу ҳужжатнинг нусхаси тақдим этилади.

Франшизинг тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддати тугаганлиги муносабати билан франшизинг тўғрисидаги шартнома бекор қилинган тақдирда ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органга фақат ариза тақдим этади.

Агар ваколатли шахс ишончнома асосида иш кўрадиган шахс бўлса, кўрсатиб ўтилган шахснинг ваколатини тасдиқлайдиган, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжатнинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Тарафлар томонидан имзоланган франшизинг тўғрисидаги шартномани бекор қилиш тўғрисидаги битимнинг тасдиқланган нусхаларига тегишли рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ёзув қайд этилади (штамп босилади).

Франшизинг тўғрисидаги шартномани бекор қилиш тўғрисидаги битимнинг икки нусхаси франшизинг тўғрисидаги шартномани бекор қилиш давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейинги бир иш кунидан кечикмай ваколатли шахсга берилади (юборилади), франшизинг тўғрисидаги шартномани бекор қилиш тўғрисидаги битимнинг учинчи нусхаси рўйхатдан ўтказувчи органда сақланади.

12. Кўрсатилган рўйхатдан ортиқча қўшимча ҳужжатлар ва маълумотлар сўраш тақиқланади.

13. Давлат рўйхатидан ўтказиш Журналга франшизинг тўғрисидаги шартнома (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки бекор қилиш) бўйича ёзувни киритиш ва франшизинг тўғрисидаги шартномалар (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки бекор қилиш) (ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар)нинг тақдим этилган нусхаларига ушбу Низомга 1-иловада келтирилган намунага мувофиқ тегишли штамп ва рўйхатдан ўтказувчи органининг муҳри қўйилиши орқали амалга оширилади.

Журнал ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда қоғозда юритилади.

Журналдаги ҳар бир ёзувга рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами берилади. Рақамлаш ҳар бир ёзувга бирдан бошлаб навбатдаги тартиб рақами бериш йўли билан амалга оширилади. Тартиб рақами навбатдаги йилга ўзгаришсиз ўтадиган тарзда қўйилади. Ҳар бир ёзув учун унинг Журналга киритилган санаси (давлат рўйхатидан ўтказиш санаси) кўрсатилади.

14. Шартнома бўйича лицензиар сифатида иш кўрадиган юридик шахс ёки якка тадбиркорнинг рўйхатдан ўтказувчи органи ўзгарган тақдирда, франшизинг тўғрисидаги шартномага бундан кейин муҳим ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ёки уни бекор қилиш лицензиар янги рўйхатдан ўтказилган жойдаги рўйхатдан ўтказувчи органда (хорижий лицензиар билан боғлиқ ҳолатда - лицензиат рўйхатдан ўтказилган янги жой бўйича) амалга оширилади.

Ушбу Низомда назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга рўйхатдан ўтказувчи органга бошқа рўйхатдан ўтказувчи органининг Журналидан кўчирма ҳам тақдим этилади.

Кўчирма Журналида франшизинг тўғрисидаги шартнома рўйхатдан ўтказилган рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан лицензиар (лицензиат)нинг мурожаати олингандан бошлаб бир кун мобайнида берилади, унда франшизинг тўғрисидаги шартноманинг олдинги рўйхатдан ўтказиш санаси ва органи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Тегишли рўйхатдан ўтказувчи орган икки кун мобайнида Журналида франшизинг тўғрисидаги шартнома рўйхатдан ўтказилган рўйхатдан ўтказувчи органга рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари туркуми берилиши тўғрисида сўров юборади. Тегишли сўров олингандан кейин Журналида франшизинг тўғрисидаги шартнома рўйхатдан ўтказилган рўйхатдан ўтказувчи орган франшизинг тўғрисидаги тегишли шартнома бўйича рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини янгидан рўйхатдан ўтказган органга юборади ва бу ҳақда Журналга тегишли ёзувни киритади.

15. Лицензиат ёки лицензиар тугатилган тақдирда франшизинг тўғрисидаги шартнома ҳам бекор қилиниши ва ушбу Низомда назарда тутилган тартибда улар тугатилгунга қадар рўйхатдан ўтказилиши керак.

16. Франшизинг тўғрисидаги шартнома (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун рўйхатдан ўтказувчи органнинг банкдаги ҳисоб рақамига энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бири миқдоридан рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланади.

Рўйхатдан ўтказиш йиғими:

суд органининг ҳужжати асосида франшизинг тўғрисидаги шартномага ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишда;

франшизинг тўғрисидаги шартнома бекор қилинганда;

франшизинг тўғрисидаги шартнома (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар)ни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳужжатлар такроран кўриб чиқилганда тўланмайди.

17. Қўшимча лицензия тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш франшизинг тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

18. Рўйхатдан ўтказувчи орган қуйидаги асослар бўйича:

а) тегишли бўлмаган рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилинганда;

б) комплекс мутлақ ҳуқуқларнинг мувофиқ бўлмаган ҳуқуқ эгалари (ҳуқуқдан фойдаланувчилар) томонидан мурожаат қилинганда;

в) ариза берувчининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ушбу Низом шартларига номувофиқ бўлганда;

г) ушбу Низомнинг 9-11-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда ёки қасддан сохта ҳужжатлар ёки маълумотлар тақдим этилганда;

д) тақдим этилган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига номувофиқлиги, шу жумладан франшизинг тўғрисидаги шартномани бекор қилишда олдиндан маълум қилиш муддатларига риоя қилинмаганда франшизинг тўғрисидаги шартномани (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки бекор қилишни) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиши мумкин.

19. Тақдим этилган ҳужжатлар фақат ушбу Низомнинг 18-бандида кўрсатилган рад этиш учун асослар мавжуд эмаслиги юза-

сидан ўрганилади. Бошқа сабабларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги мулоҳазаси билан давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

Давлат рўйхатидан ўтказишнинг асосли рад этилиши тўғрисидаги қарор рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қабул қилинади ва ҳужжатлар тақдим этилган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни мобайнида ариза берувчига ёзма шаклда берилади.

20. Мулоҳазалар ва таклифлар тузатилгандан кейин ариза берувчи ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи органга рўйхатдан ўтказувчи органнинг ёзма рад этиши олинган пайтдан бошлаб 3 (уч) ой мобайнида ушбу Низомда белгиланган тартибда такроран топшириш ҳуқуқига эга. Ушбу муддат тамом бўлгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан олдин ариза берувчига ёзма шаклда баён қилинмаган янги ёки аниқлаштирувчи мулоҳазалар билдирилишига йўл қўйилмайди.

21. Давлат рўйхатидан ўтказиш муддатлари рўйхатдан ўтказувчи органнинг айби билан бузилган тақдирда франшизинг тўғрисидаги шартнома (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки бекор қилиш) белгиланган муддатларда рўйхатдан ўтказилган ҳисобланади, бу ҳақда ариза берувчининг талабига кўра рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан бирор-бир қўшимча талабларсиз франшизинг тўғрисидаги шартнома (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки бекор қилиш) (ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар)га тегишли ёзув ёзилади (штамп босилади) ва рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри босилади.

22. Ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органнинг қароридан, унинг мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан ёки давлат рўйхатидан ўтказиш муддатлари бузилишидан норози бўлган тақдирда белгиланган тартибда юқори давлат органига ва (ёки) судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

III. ЖАВОБГАРЛИК

23. Ушбу Низом бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга 1-илова

Рўйхатдан ўтказувчи орган штамп НАМУНАСИ

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ
(тузиш, муҳим ўзгартириш, қўшимча, бекор қилиш)
(сероқалининг тағида чизилган)

№ _____
20 ____ й. « ____ » _____

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг
мансабдор шахси _____ М.Ў.
(Ф.И.О.) (имзо)

Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга 2-илова

Франшизинг тўғрисидаги шартномалар (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки бекор қилиш)ни давлат рўйхатидан ўтказиш журналининг шакли НАМУНАСИ

Т/р	Ҳужжатнинг тури (франшизинг/қўшимча лицензия тўғрисидаги шартнома, муҳим ўзгартириш, қўшимча, давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган бекор қилиш тўғрисидаги битим, шунингдек франшизинг/қўшимча лицензия тўғрисидаги шартнома унинг асосида ўзгартирилган, қўшимчалар киритилган ёки бекор қилинган суд ҳужжатининг нусхаси)	Лицензия	Лицензия	Давлат рўйхатидан ўтказилган сана	Рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами	Ваколатли шахснинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг маълумотлари ва ваколатли шахснинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат	Рўйхатдан ўтказилган ҳужжатлар берилганлиги (почта орқали юборилганлиги) тўғрисидаги маълумотлар	Ҳужжатлар ваколатли шахс томонидан олинганлиги (сана, имзо) ёки почта орқали юборилган ҳужжатлар топширилганлиги тўғрисидаги маълумотлар (сана почта алоқаси оператори бўлимининг топширилганлиги тўғрисидаги билдириш қоғози берилган санага мувофиқ кўрсатилади)
1.								
2.								
3.								

УзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси.
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

"AMIR-AUDIT" МЧЖ

- Хамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - УзРдаги 5000 ЭКИХдан ортик

САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

"Аудит-ВАРН" МЧЖ

аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ХУДУДИДА, БҲМС ВА МҲХС БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099,

уяли: +998971192248

Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42
Тошкент вил., тел. +998974541664

РЕКЛАМА

237-51-33, 237-47-20, 237-47-05

ЭЪЛОНЛАР

ТАНЛОВ

Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чорбоғ кўча 2-тор кўчасида жойлашган банкротликка учраган "TOSHMUNHANDISINSHOOTQURILISH" ОАЖ корхонасида мол-мулкни баҳолаш учун танлов эълон қилинади.

Танловда иштирок этишга баҳоловчи компаниялардан аризалар эълон ОАВда эълон қилинган кундан бошлаб 10 кун давомида куйидаги манзилда қабул қилинади: 100090, Тошкент ш., Бобур кўч., 77, 120-хона. Алоқа боғлаш телефони: 119-66-16.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ. АРЗОН*.
Тел. 176-23-13.

КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТЛАРИ

Бизнес-режалар, ТИА, баҳолаш*.
Тел. 500-70-30.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Дебиторлик қарзини ундириш. Хўжалик судида вакиллик қилиш. Корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш.
Адвокат Шуман Неля Сергеевна*.
Тел./факс: 242-33-52; 341-03-50 (уяли).

Юридик хизмат кўрсатиш. Дебиторлик қарзини ундириш. Хўжалик, жиноят ишлари. Адвокатлик фирмаси*.
Тел.: (+99897) 330-45-71, (+99897) 100-47-33.

Шартномаларни визалаш, хўжалик судида манфаатларни ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича адвокат, корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш*.
Тел. 449-03-03.

«ADVOKAT ELITE». Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

ЭЪЛОНЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.

ХИЗМАТЛАР

Картрижларни тўлдириш! Зудлик билан! Тошкент бўйича. Тўлов – исталган шаклда. Тел. 380-73-71.

ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: техник, тиббий, юридик ҳужжатларни малакали таржима қилиш. Қонунийлаштириш.
Тел.: 252-38-71, 454-80-01.

Ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ва тузатиш.
Тел.: 102-72-98, 244-58-12.

Компьютерларни тузатиш, картрижларни тўлдириш.
Тел. (+99890) 321-15-99.

Ташкилий техникани тўлдириш ва таъмирлаш.
Тел. (+99897) 340-45-08.

«EVER-S PLUS BIZNES» МЧЖ. Компьютерларни таъмирлаш, шахсий компьютерларга техник хизмат кўрсатиш. Windows, дастурий таъминот ва Интернетни ўрнатиш ва сошлаш. Жойига чиқиш билан.
Тел. (+99897) 450-03-24. Светлана.

Сервис маркази: ташкилий техника, мониторлар, ноутбуклар, принтерларни таъмирлаш; тўлдириш.
Тел. 903-73-93.

Компьютерлар ва ташкилий техникага тез ёрдам. Жойига чиқиш бепул! Тўлов – исталган шаклда.
Тел. 380-73-71.

Видео-, фотосуратга олиш*.
Тел. (+99897) 709-20-17.

*Хизматлар лицензияланган.

Рўйхатлар

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 12 ноябрдаги қарорларига асосан Собир Раҳимов туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Раҳбар исм-шарифи	Юридик манзили	Қарор рақами
"PROFI PLAST INVEST PLUS" МЧЖ	301140348	И.Абдуқодиров	Боғ кўча, бл-24, 11	10-1020/18344
"MIROBID FAYZ" МЧЖ	301393627	Д.Мухамедов	Ниёзов-Форобий кўч., 5-7	10-1020/18330
"MIK PREMIERE" МЧЖ	300517107	Е.Курамшина	Қорақамиш 2/4, 45-10	10-1020/18332
"FOTIMA-KAMOLA" МЧЖ	300853624	Ф.Абдуллаева	Себзор, 2а-4	10-1020/18352
"BASTION STROY" МЧЖ	300741992	Ш.Вакилов	Юнусов тор кўч., 13	10-1020/18342
"SEBZOR PLAST" ХК	301448833	Х.Зарипов	Себзор, 9-3	10-1020/18326
"BAXA-SHIFO-NUR" МЧЖ	206397066	Б.Халилов	Беруний-84	10-1020/18335
"CHUQURSOY INSURANCE" МЧЖ	301193796	Ж.Хошимов	Қорақамиш 1/2, 10а-3	10-1020/18324
"MUQIMJON-SULTON" МЧЖ	206828232	С.Тортбоев	Ходжаев кўч., 42а	10-1020/18348
"MAMURA-SHIFO" ХК	206771535	М.Гафурова	Ходжаев мавзе, 3-50	10-1020/18346
"MANZUR-FOOD" МЧЖ	205320147	З.Пўлатов	Чилонзор-15, 13-23	10-1020/18347
"SEBZOR QURILISH INVEST" МЧЖ	300786439	К.Абдуллаев	Себзор, 59-23	10-1020/18320
"BEKTUR BIZNES" МЧЖ	300909544	Р.Рузиев	Қорақамиш 2/4, 60а-13	10-1020/18336
"BEKTUR BUILDING SERVIS" МЧЖ	300974576	А.Тулаганов	Буюк Ипак йўли кўч., 347-7	10-1020/18317
"JIP HYEON JEON" МЧЖ	301362808	Жеонг Хаевук	Нодира-66	10-1020/18338
"GOLD-BUILDING-SITE" МЧЖ	301485131	М.Каримов	Қорақамиш 1/4, 31-33	10-1020/18322
"GARPIYA-GOLD SERVIS" МЧЖ	206714374	А.Агзамов	Ниёзов кўч., 1-4	10-1020/18337
"MAXMUDA-BARAKA" ХК	300507245	Р.Махмудов	А.Ҳидоятлов кўч., 3-корпус, 3	10-1020/18341
"SHARQ TEXNO LIZING" МЧЖ	300818705	У.Лутпуллаев	Тансиқбоев-1, 11-12	10-1020/18331
"SIGNAL KOMMUNAL SERVIS" МЧЖ	206928338	И.Тошматов	Қорақамиш 1/2, 1-4	10-1020/18350
"APOLLO ENTERTAINMENT" МЧЖ	300553625	Ж.Бобожонов	Бўстон-2 кўч., 8	10-1020/18351
"EKOSTROY-MONTAJ-SERVIS" МЧЖ	301448912	Н.Рахматова	Диёр кўч., 32	10-1020/18329
"GUL TEKSTIL PLUS" МЧЖ	300986695	Д.Шайхова	Ипакчи-66	10-1020/18327
"SIO LAL SERVIS" МЧЖ	300306377	Л.Людкина	Олимпия, 11-9	10-1020/18353
"AZA-QURILISH" ХК	205163248	А.Зайнутдинов	Қорасарой, 325а	10-1020/18315
"SOLAR-MEDIA TRANS SERVIS" МЧЖ	300603696	А.Назармухамедов	Зарқайнар 4-тор кўч., 9	10-1020/18323
"NARGIZ-BONU-BIZNES" ХК	205444926	З.Расулова	Беруний-3, Блок-Г, 104	10-1020/18345
"KELAJAK SHAMCHIROG'I" МЧЖ	300593386	А.Шермуротов	Қамарнисо, 15-79	10-1020/18333
"ZEBRA-MAX" ХК	301113482	И.Сагдуллаев	Фарғоний, 7	10-1020/18313
"KALIBRA SWEET" МЧЖ	300998847	Ж.Каримов	Эркин-8	10-1020/18325
"XALILXO'JA OTA" МЧЖ	204509259	З.Юнусходжаев	Зарқайнар, Програма тор кўч., 3	10-1020/18339
"IBROXIM SERVIS SAVDO" ХК	300315500	И.Исҳоқов	1-Спутник, 55	10-1020/18312
"IBRAT RIVOJ" ХК	301083521	Г.Тимурходжаева	Ген.Ғофуров 2-тор кўч., 3	10-1020/18343
"LIBERTY STROY SERVIS" МЧЖ	300989865	А.Мирахмедов	С.Раҳимов кўч., 429	10-1020/18340
"MAGOMED O'G'LI AMIRXON" ХФ	204581092	Х.Амирхонов	Шифокорлар ш., 16в-6	10-1020/18349
"LIFE SPORT" МЧЖ	300744213	М.Миржалилов	Дилкаш-87	10-1020/18319
"PERFEKT-AGRO" МЧЖ	301117628	И.Давутов	Юнусобод-14, 37-6	10-1020/18316
"APREL" МЧЖ	203515079	Т.Қосимов	Гулистон, Зулфия-3	10-1020/18314
"SHANRISTON VEB" МЧЖ	204646248	Х.Мирзабоев	Қамарнисо 1-тор кўч., 11	10-1020/18328
"RAVSHAN AVTO SERVIS" ХК	301485084	Р.Досмухамедов	Форобий, 5-14	10-1020/18318
"AVTOMEL" ХК	301353668	Ким Сергей	Қорақамиш 1/1, 21-8	10-1020/18321
"MO'BINA-BROK" ХК	206405893	Ш.Шоҳақимов	Форобий, Муҳокама тор кўч., т-4, 3	10-1020/18334

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Собир Раҳимов тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида давво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУКУК

БОШ МУХАРРИР
ФАРҲОД КУРБОНБОЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.

Тахририят огоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас.

Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Илҳоме — 186 Буюртма 823 Аҳли 4190. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2010 йил 19 ноябрдан соат 21.00 да топширилади.
ISSN 2010-5223